



ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ (МИЛЛИЙ БАНК МИСОЛИДА)

PhD, доц. Бозоров Руслан Хамдамович
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
ORCID: 0009-0008-5022-2441
ruslanhamdamovich@mail.ru

Аннотация. Мақолада ТИФ Миллий банки мисолида банкнинг молиявий кўрсаткичлари амалий ҳолати таҳлили амалга оширилган ҳамда натижаларни шаклланишининг молиявий сабаблари ёритилган. Хусусан, тижорат банкларининг активлар ва пасивлар таркиби, активлар ва капитал рентабеллиги, каби кўрсаткичларнинг 7 йиллик динамикаси таҳлил қилинган ҳолда илмий хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: молиявий барқарорлик, активлар ва пасивлар таркиби, активлар рентабеллиги, капитал рентабеллиги, муаммоли кредитлар, даромадлар.

АНАЛИЗ ФИНАНСОВЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КРЕДИТНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКОГО БАНКА (НА ПРИМЕРЕ НАЦИОНАЛЬНОГО БАНКА)

PhD, доц. Бозоров Руслан Хамдамович
Академия государственного управления при
Президенте Республики Узбекистан

Аннотация. В статье анализируется фактическое состояние финансовых показателей банка на примере ТИФ Национального банка и выделяются финансовые причины формирования результатов. В частности, научные выводы сделаны на основе анализа 7-летней динамики таких показателей, как структура активов и обязательств коммерческих банков, рентабельность активов и капитала.

Ключевые слова: финансовая устойчивость, состав активов и пассивов, рентабельность активов, рентабельность капитала, проблемные кредиты, доходы.

ANALYSIS OF FINANCIAL INDICATORS OF CREDIT ACTIVITY OF A COMMERCIAL BANK (ON THE EXAMPLE OF THE NATIONAL BANK)

PhD, assoc. prof. Bozorov Ruslan Khamdamovich
Academy of Public Administration
under the president of the Republic of Uzbekistan

Abstract. In the article, the analysis of the practical situation of the bank's financial indicators was carried out on the example of the FEA National Bank, and the financial reasons for the formation of the results were explained. In particular, scientific conclusions were formed by analyzing the 7-year dynamics of indicators such as the composition of assets and liabilities, assets and capital profitability of commercial banks.

Keywords: financial stability, composition of assets and liabilities, return on assets, return on capital, problem loans, income.

Кириш.

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида иш олиб борувчи ҳар бир иқтисодий субъект, ўз фаолияти давомида албатта банк хизматларидан, хусусан банкнинг кредит маҳсулотларидан фойдаланиши ва бу бутун иқтисодиёт бўйича кенг ҳажмда амалга оширилиши мумкин. Шу сабабли, банкларда шаклланган ресурслар ва улар манбаларининг таркибий тузилишини оқилона бошқариш иқтисодиётдаги кенг ҳажмда кредитга бўлган талабни оптимал даражада қондириш имконини берса, иккинчи томондан тижорат банкларидаги ушбу ресурсларнинг фойдаланиш самарадорлигини ҳам оширади.

Шу боисдан тижорат банкларининг асосий даромад манбаи ҳисобланган кредитлаш фаолитида қўлланиладиган кредитлаш механизмларининг самарали ишлашини таъминлаш борасидаги ишларни ташкил қилишда энг аввало банк активлари ва пасивлари таркибини таҳлил қилиш орқали банкларда активлар ва капитал рентабеллиги ҳолатини баҳолаш ҳамда уларнинг салбий кўрсаткичларига сабаб бўлаётган омилларни ўрганишлар асосида тегишли чоралар ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, иқтисодиётда банкларни самарали кредитлаш механизмлари орқали фаолиятини ташкил қилишда уларнинг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилиш долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Банк секторининг самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлаш масаласи банк тизими учун ҳам жуда долзарб ҳисобланади. Литун ўз ишларида кўп укладли банк тизими самарали ҳисобланади, дея таъкидлайди ва кўп укладли банк тизимига турли мулкчилик шаклига эга банкларнинг мавжуд бўлиши, банклар ҳажмига ва фаолияти йўналишларига асосий эътиборни қаратади (Литун, 2002). Шу билан бирга Литун томонидан Германия, Италия, Австрия давлатларида мавжуд универсал банклар билан бир қаторда кооператив банклар, жамғарма кассалари, ўзаро кредитлаш хўжалиқларининг фаолият олиб бориши таъкидлаб ўтилади. Францияда муниципал кредитлаш фондлари жуда кенг тарқалганини, ҳудудий банклар эса Австрияда кенг ривожланганлигини ва улар сони 600 дан ортиқ эканлиги ҳамда ҳар бир ҳудуд маълум бир соҳага ихтисослашганлигини келтириб ўтади.

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан Саттаров, Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш масаласида ўз тадқиқотларини олиб борган бўлиб, у “банк тизими барқарорлиги – бу Марказий банк ва тижорат банклари фаолияти давомида ўз функцияларини тўлақонли бажара олишини таъминлаш имконини берадиган даражани сақлаган ҳолатда, ривожланишга қараб интилишдир” дея фикр билдирган (Саттаров, 2018). Иқтисодчи олим ўз тадқиқотларида асосан банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини ўрганган ҳамда тегишли хулосалар шакллантирган. Шу билан бирга, Саттаров “барқарорлик” тушунчаси моҳиятини ўрганиб, “барқарорлик” статик ҳолат эмас, балки динамик хусусиятга эга бўлган жараён; “барқарорлик” бу доимий ижобий томонга қараб силжиш, оз бўлсада лекин, ривожланишга қараб интилиш; барқарорлик ривожланишнинг комплекс тавсифи бўлиб, унинг барча жабҳалардаги, ички ва ташқи муносабатлардаги аҳамиятини ўз ичига олади; “барқарорлик” у ёки бу фаолиятнинг миқдорий ва сифат даражасини белгилайди, деб таъкидлаган.

Вешкин ва Авагянлар (2018) тижорат банклари молиявий барқарорлигини даромадларнинг харажатлардан ошган қисми сифатида қарашади. Тижорат банклари даромадлари, шунингдек, улар фойдасидан дивидендлар тўлашга қараб банклар молиявий барқарорлигига баҳо бериш бир оз мунозарали ҳисобланади. Сабаби, банк фойдаси улар умумий фаолиятига баҳо беришнинг асосий бир кўрсаткичи ҳисобланади,

лекин банклар молиявий барқарорлигини аниқлаш учун уни ташкил этувчи манбаларига асосий эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотнинг асосий мақсади тижорат банкларнинг кредитлаш механизмига таъсир қилувчи молиявий кўрсаткичларини амалий ҳолатини таҳлил қилиш орқали илмий хулосалар шакллантириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш. Тадқиқот жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда статистик маълумотларни жамлаш, умумлаштириш, таққослаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 36 та тижорат банклари ўз фаолиятини олиб бормоқда (2024 йил 1 сентябрь ҳолатига), уларнинг 10 таси давлат улуши мавжуд бўлган банклар ҳисобланади (cbu.uz).

Тадқиқотимизда республикаимиздаги энг йирик тижорат банклардан бири ҳисобланган “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” АЖнинг йиллик ҳисоботлари асосида унинг кредит фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичлари ҳамда молиявий барқарорлиги ҳолатини таҳлилини амалга оширамиз.

2024 йил 1 сентябрь ҳолатига “Ўзмиллийбанк” АЖ банк активлари (135,8 трлн сўм) бўйича республикада 1-ўринда бўлиб, унинг активлари тижорат банклари жами активларининг 18,6 фоиз улушига тўғри келса, банк капитали (18,5 трлн сўм) бўйича ҳам 1-ўринда бўлиб, бу кўрсаткич бўйича унинг ҳиссаси тижорат банклари ялпи капиталининг 17,4 фоизига тўғри келади. Шунингдек банкнинг кредит портфели ушбу санада 104,6 трлн сўмни ташкил қилган ҳолда, ушбу миқдор тижорат банкларининг жами кредит портфелининг 20,5 фоизига ҳамда давлат улуши мавжуд бўлмаган банкларнинг кредит портфелига нисбатан 67,6 фоизга тўғри келади.

Тадқиқотда аввало, Миллий банкнинг кредитлаш амалиёти ва ундаги кредитлаш механизмига таъсир қилувчи умумий кўрсаткичлар сифатида банкнинг активлар таркибий тузилиши ва уларнинг ўзгариш динамикасини 2017-2023 йиллардаги ҳолатини таҳлил қиламиз.

1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида кассали активлар миқдори 2017-2013 йилларда умумий ҳолатда камайган, фақатгина 2022 йилда унинг активлардаги улуши ошган, аммо 2023 йилга келиб эса яна пасайган ҳолда таҳлил даврининг бошига нисбатан 8,8 фоиз пунктга камайган. Бу эса, банкда кредит каби активларнинг улуши ошишига хизмат қилган, гарчи кассали активларнинг камайиши банк ликвидлиги нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисоблансада, аммо мазкур активларнинг жами активлардаги улуши 15 фоиз атрофида бўлиши банк ликвидлиги учун ёмон ҳолат эмас. Ўз навбатида даромад келтирувчи активларнинг (кредит, қимматли қоғозлар ва инвестициялар) жами активлар таркибидаги улушини ошиши банкнинг молиявий барқарорлиги учун ҳам ижобий омил ҳисобланса, шунингдек уларнинг ҳажмини ошиши банкдаги кредитлаш механизмига ҳам талаб ва таклиф қонунлари асосида ўз таъсирини бериши мумкин.

Ушбу жадвалга кўра, банкнинг умумий активлари таҳлил даврида 2,5 баробар (127,5/51,5)га ёки 76 трлн сўмга (127,5-51,5) ошганлигини кўришимиз мумкин. Яна бир жиҳат шуки, ушбу даврда банк кредитларининг активлардаги улуши 5,2 фоизли (72,4-62,2) пунктга ошганлиги ўз навбатида банкдаги кредитлар миқдори ҳам камида 2,5 баробардан ортиқ кўпайганлигини англатади. Бу ҳолат эса, банкнинг кредитлаш механизмидаги элементларга қатъийлаштириш принципини қўллаш ҳолатини юмшатишга имкон беради. Бироқ, шунингдек банкда соҳаларга киритилган кредитлар салмоғини мониторингини амалга ошириш ва банкда кредит портфелининг диверсификация қилинишига доимий эътибор бериш лозим бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг
активлари таркиби, фоизда**

№	Активлар номи	31.12.2017	31.12.2018	31.12.2019	31.12.2020	31.12.2021	31.12.2022	31.12.2023	Фарқ
1.	Кассали активлар	24,6	14,4	12,8	13,7	14,5	23,1	15,8	-8,8
2.	Мижозларга берилган кредитлар	67,2	81,1	81,1	79,8	78,9	70,8	72,4	5,2
3.	Жами ҳисобланган фоизли ва фоизсиз даромадлар	0,6	1,1	1,9	3,0	2,4	2,5	3,5	2,9
4.	Қимматли қоғозлари	0,0	0,1	0,3	0,6	1,1	1,3	5,4	5,4
5.	Ҳамкорларга қилинган инвестициялар	1,2	1,2	1,1	1,6	1,6	1,0	1,5	0,3
6.	Асосий воситалар	0,4	0,5	0,9	0,8	0,7	0,8	1,0	0,6
7.	Бошқа активлар	5,9	1,6	2,0	0,5	0,7	0,5	0,4	-5,5
Жами активлар (%)		100	100	100	100	100	100	100	---
Жами активлар (трлн сўм)		51,5	56,5	66,6	79,9	89,9	119,9	127,5	76,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига доир 2017-2023 йилларга оид маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Шу билан бирга, Миллий банкда 2023 йилда аввалги йилга нисбатан қимматли қоғозлар ҳажми 4,1 фоизли (5,4-1,3) пунктга кескин ошган бўлиб, бунга сабаб эса айнан шу даврда кассали активларнинг 7,3 фоизли пунктга (23,1-15,8) камайиши, яъни банкнинг кассали активлари қимматли қоғозлар бўйича активларга трансформацияси кузатилганлиги бўлиши мумкин. Албатта бир қарашда қимматли қоғозларнинг банк активлари таркибида ошиб бориши ижобий ҳолатдек кўринади, лекин уларнинг сифати, яъни қайси қимматли қоғозларга ва қандай шартлар билан сармоя йўналтирилганлиги муҳим ҳисобланади.

Миллий банкда асосан кредитлар ва қимматли қоғозлар каби даромад келтирувчи активларга (гарчи рискка тортилган активлар бўлсада) маблағлар йўналтирилганлиги фикримизча, тижорат банки даромадини оширишга ҳамда мижозларга сифатли ресурслар таклиф қилган ҳолда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Навбатдаги таҳлилимизни ТИФ Миллий банкининг пасивлари таркибий тузилиши асосида амалга оширамиз.

2-жадвал маълумотларидан, ТИФ Миллий банкнинг кредит ва лизинг операциялари бўйича мажбуриятлари ҳамда бошқа мажбуриятлар бўйича пасивлари камайиш тенденцияси кузатилган бўлса, бошқа банклар олдида мажбуриятлар, депозитлар ҳамда чиқарилган қарз мажбуриятини ифодаловчи қимматли қоғозлар

бўйича пассивлар сезиларли даражада ошган. Бу ерда асосан кредит ва лизинг бўйича мажбуриятларнинг камайиши эвазига юқорида қайд этилган мажбуриятларга пассивлар трансформацияси бўлганлигини кўриш мумкин.

2-жадвал

ТИФ Миллий банки пассивлари таркиби, фоизда

№	Пассивлар номи	31.12.2017	31.12.2018	31.12.2019	31.12.2020	31.12.2021	31.12.2022	31.12.2023	Фарқ
1.	Банклар олдидаги мажбуриятлар	4,1	2,0	3,9	4,2	3,9	12,7	10,4	6,3
2.	Жами депозитлар бўйича мажбуриятлар	22,6	20,8	22,9	21,5	24,6	31,8	25,8	3,2
3.	Кредит ва лизинг операциялари бўйича мажбуриятлар	57,0	65,2	49,1	48,9	48,4	36,1	43,1	-13,9
4.	Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар	0,0	0,0	0,0	3,9	3,6	2,8	2,9	2,9
5.	Субординар қарз	0,2	0,1	2,2	1,9	1,8	1,4	1,4	1,2
6.	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	0,5	0,7	1,0	1,4	1,1	1,2	1,9	1,4
7.	Бошқа мажбуриятлар	6,3	1,1	1,1	0,7	0,2	0,3	0,5	-5,8
	Жами мажбуриятлар	90,7	89,9	80,3	82,6	83,6	86,3	86,0	-4,7
8.	Акционерлик капитали	9,3	10,1	19,7	17,4	16,4	13,7	14,0	4,7
	Жами пассивлар (%)	100	100	100	100	100	100	100	---
	Жами пассивлар (трлн сўм)	51,5	56,5	66,6	79,9	89,9	119,9	127,5	76,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига доир 2017-2023 йилларга оид маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.


Қолаверса, банкнинг бошқа мажбуриятлари ҳам сезиларли камайган бўлиб, бу ҳолатлар умумий ҳолда таҳлил даврида банкнинг жами мажбуриятларининг активларга нисбати (ёки пассивлардаги улуши) 4,7 фоизли пунктга камайишига сабаб бўлган. Ўз навбатида эса, акционерлик капиталининг пассивлардаги улуши (ёки активларга нисбати) шунча пунктга ошганлигини кўришимиз мумкин. Банклар фаолиятига доир амалиётга кўра, акционерлик капиталининг активларга нисбати 10 фоиздан паст бўлмаслиги меъёр ҳисобаланишини ҳисобга олсак, охириги 5 йилликда ушбу кўрсаткич нормада бўлган. Бу ҳолат банкнинг молиявий барқарорлиги нуқтаи назаридан ҳам, ҳамда меъёр даражаси (Мажбуриятлар/Пассивлар=90%)гача манфаатли ва самарали мажбуриятлар жалб қилиш ҳисобига банкда ресурслар миқдорини кўпайтириш орқали кредитлаш ҳажмини ва сифатини барқарорлигини таъминлаш борасида имконият мавжудлиги нуқтаи назаридан ҳам ижобий ҳолат ҳисобланади.

Банк пассивлар таркибий динамикасида яна бир ҳолат кўринадики, банкда тўланиши лозим бўлган фоизлар бўйича мажбуриятлар доимий ошиб борган. Бу ҳолат

банк фаолиятида юзага келган мажбуриятларини тўлиқ ўз вақтида бажармаётганлигини билдириши мумкин, бу эса ҳамкорларда ишончсизлик психологиясини шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли, банк ўз фаолиятида ушбу кўрсаткични камайтириш борасида тегишли чоралар кўриши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тижорат банклари активлар таркибида кредитлар улуши юқори даражада бўлганлиги сабабли уларнинг самараси бевосита банкнинг молиявий барқарорлигига ҳам шу даражада таъсир ўтказиши мумкин. Шу боисдан банкнинг кредитлаш механизмнинг натижадорлигини билвосита билишда банкнинг молиявий барқарорлик кўрсаткичларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Банкнинг молиявий барқарорлик даражасини ўлчовчи асосий мезонлар бу банк активлари ва капитали рентабеллиги кўрсаткичларидир. Биз ҳам таҳлилимизни банклар рентабеллик кўрсаткичларига баҳо бериш орқали давом эттирамиз.

Навбатдаги расмда ТИФ Миллий банкининг активлар рентабеллигининг 2017-2023 йиллардаги кўрсаткичлари динамикаси келтирилган.



1-расм. ТИФ Миллий банки активлари рентабеллик кўрсаткичи, фоизда

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига доир 2017-2023 йилларга оид маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

1-расм маълумотларига кўра, ТИФ Миллий банкида таҳлил даврида активлари рентабеллик кўрсаткичи динамикаси нобарқарор тенденцияга эга. Бизга маълумки, ушбу молиявий барқарорлик кўрсаткичи бўйича меъёр даражаси 1 фоиз ҳисобланади. 2017-2018 йилларда банкда ушбу кўрсаткич деярли меъёр даражасида бўлган бўлса, 2019-2022 йилларда меъёр даражасидан баланд бўлган бу эса молиявий барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Лекин, 2023 йилда мазкур кўрсаткич 0,41 фоизни ташкил этган ҳолда, жуда салбий натижа қайд этилган, бу эса, ушбу йилда олинган соф фойданинг миқдори ва унинг активларга нисбати жуда паст бўлганлини англатади. Шунингдек, бунга сабаб қилиб, банкнинг даромад келтирувчи активлар сифати ёмонлашувини, ёки фоизсиз ва операцин харажатлар ошганлигини, ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар кузатилганини келтириш мумкин. Шу сабабли, банк келгусида акционерлар манфаати ва банкнинг умумий фаолияти барқарорлигини таъминлаш учун ҳам банкнинг жами даромадларини ошириш ҳамда унинг соф фойдага айланишини юқори даражасини таъминлаш борасидаги, жумладан кредитлаш механизмларини самарадорлигини ошириш чораларини қўллаши зарур ҳисобланади.

Тижорат банкларида банк активлари рентабеллик даражаси билан биргаликда банкнинг капитали рентабеллик даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Навбатдаги расмда

ТИФ Миллий банкининг капитал рентабеллик кўрсаткичини ўзгариш динамикаси келтирилади.

Тижорат банкларида капитал рентабеллиги меъёр даражаси халқаро амалиётда 10 фоизни ташкил этади.



2-расм. ТИФ Миллий банки капитали рентабеллик кўрсаткичи, фоизда

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига доир 2017-2023 йилларга оид маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги расм маълумотларидан кўриш мумкинки, банк капитали рентабеллиги кўрсаткичи **ТИФ Миллий банкида** 2017-2019 йилларда меъёр даражасида бўлган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 6,7 фоизни ташкил қилган бўлиб, бу бевосита 2020 йилда юзага келган пандемия давридаги иқтисодий дағирликнинг молиявий ҳолатлар билан боғлиқдир. 2021 йилда ҳам кўрсаткич тенденцияси меъёр даражасигача яхшиланмаган. Бу ҳолат банк молиявий барқарорлиги нуқтаи назаридан ижобий вазият ҳисобланмайди. 2022 йилда кўрсаткич кескин ўсган бўлсада, 2023 йилда у таҳлил давридаги энг паст даражани қайд этган ҳолда, халқаро амалиётдаги меъёр даражасидан қарийб 3,5 баробарга кам бўлган. Кўрсаткич бўйича бу каби нобарқарор тенденция банкнинг молиявий барқарорлиги ва унинг келгуси фаолияти истиқбали учун ҳам ижобий баҳоланмайди. Шу сабабли банк бошқарувида салбий молиявий натижалар динамикасига сабаб бўлаётган фаолият турлари бўйича фаолият механизмларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантирилди:

- ТИФ Миллий банкининг активлари ва капитали рентабеллик кўрсаткичлари 2023 йилдаги салбий ҳолатни сабабини аниқлаш учун банкнинг активлар ва пасивлар таркиби ҳамда молиявий натижаларини шаклланишини таҳлил қилинганда, 2023 йил якунлари бўйича банк активлари +6,3% га, банк капитали эса +9,0% га ошган ҳолда унинг соф фойдаси -28,8% га камайганлигини аниқлашимиз мумкин. Банк активлари ва капитали миқдорлари ўсиши билан соф фойда миқдори ўсиши ўртасидаги бу каби тескари тенденция банкнинг рентабеллигини ифодаловчи индикатор кўрсаткичларнинг натижасига салбий таъсири кўрсатиши табиий;

- ҳолатнинг бу вазиятга келишига молиявий сабаб, банкда 2023 йилнинг активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши яратилган захираларни баҳолаш миқдори 7755,3 млрд сўмни (ўтган йилги миқдордан +57,7% га ошган), хусусан кредит ва лизинглар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш миқдори 6116,7

млрд сўмни (ўтган йилги миқдордан +103,17% га (ёки 2,03 мартага) ошган) ташкил этганлиги бўлган;

- натижада таҳлил даврида банкнинг соф фоизли даромадлари (йўқотишлари учун захирадан кейин) миқдори -2400,7 млрд сўмлик салбий натижани қайд этган. Бу эса ўз навбатида ушбу зарар фоизсиз даромадлар ҳисобига қопланган. Қолаверса, 2023 йилда банкнинг фоизсиз харажатлари миқдори аввалги йилга нисбатан 30% га камайган бўлсада, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши яратилган захираларни баҳолашнинг юқори ҳажми барибир соф фойданинг кескин камайишига олиб келган.

Адабиётлар/ Литература/ References:

Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л., (2018) *Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебное пособие*. М.: Магистр.

Избосаров Б.Б. (2019). Тижорат банклари ликвидлилигини таъминлашнинг назарий ва амалий масалалари. "Молия ва банк иши" электрон илмий журнали. – Тошкент, 2019. 2-сон. март-апрель, 8-12 б.

Қарор (2017) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чоратadbирлар тўғриси"ги ПҚ-3066-сонли, 2017 йил 16 июн.*

Литун О.Н. (2002) *Стратегия банковской реструктуризации: Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук*, - СПб., с. 134-135.

Саттаров О.Б. (2018).-*Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. Иқтис. фанлари доктори илмий дараж. олиш учун тайёрл. дисс. автор. Т.: 14 б.*